



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 51 (4553)
2019-yil 20-dekabr

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Фаоллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент маслаҳатчиси, таниқли адиб Хайриддин Султонов, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Абурашид Жўрабоев, Вазирлар Маҳкамаси котибият мудирини Баҳодир Аҳмедов ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Спичрайтери, таниқли ёзувчи Х.Султонов маъруза қилди. У ўз сўзида кейинги йилларда маънавий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида таъкидлади. Зеро, бугунги кунда жамиятимиз улкан ислохот ва ўзгаришлар руҳи билан яшамокда. Янгиланаётган Ўзбекистон “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараккиятининг янги босқичига қадам қўймоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳалар катори миллий маънавиятимиз, маданият ва санъатимиз тараккияти, адабиётимиз ривожига, жамиятда китобхонлик маданиятини ошириш масалаларига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани барчани мамнун этди. Беvosита миллий

адабиётимизни ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда улкан ишлар амалга оширилгани, соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар, камчилик ва муаммолар қисқа фурсатларда ҳал этилаётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, Зомин туманининг энг хушманзара хуудларидан бирида қисқа вақт ичида ёзувчи-шоирлар учун замонавий санаторий бунёд этилди. Бу ерда ижодкорларимиз дам олиб, саломатлигини тиклаб, янги асарлар яратиши учун барча шароитлар яратиб берилди. Айни пайтда Паркент туманида яна бир ижод уйи бунёд этилмоқда.

Хар йили энг фаол адибларимиз давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан, ёш ижодкорлар Зулфия номидаги, шунингдек, “Мард ўғлон” давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Сарҳисоб

Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмаси томонидан маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқ. Чунинчи, ёши улуг ва фаол ижодкорларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб келинаётгани, атоқли адиб ва шоирларимизнинг таваллуд кунлари, хотира кечалари нишонланаётгани, ёш каламқашлар семинарининг мунтазам йўлга қўйилгани, уларнинг биринчи китоблари катта тиражларда чоп этилиб, таълим даргоҳларига берилган, адабиётимиз равнақи учун шундай эзгу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Сўнгги уч йилда Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Адиб ва жамият”, “Танланган асарлар”, “Адабий дўстлик – абадий дўстлик”, “Замондошлар хотирасида”, “Биринчи китобим” туркумларида янги-янги номдаги китоблар йирик адабларда чоп этилди.

Уюшма раҳбариятининг ташаббуси билан “Сўз чамани” туркуми ташкил этилгани ва унда адабиётимизнинг мумтоз намояндаларидан тортиб навқирон шоирларимизнинг асарларига сараланган ҳолда чоп этиш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш зарур.



ИЖОД МАКТАБЛАРИ – УМИД БУЛОҚЛАРИ

Юртимизда ёш авлоднинг илм олишга интилиши, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган, мамлакатимизнинг порлоқ келажагини, фан ва маданият равнақини таъминлайдиган замонавий мактаблар ташкил этилаётгани таълим тараккиятидаги муҳим воқеадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарори аниқ мақсадли таълим тизимини яратиш борасидаги улкан қадам бўлди. Қарорда ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, бағрикенглик, қонунарга, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, уларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий, психологик, интеллектуал ва жиёмоний ривожланиш даражасини янада оширишга қаратилган илғор таълим шакллари жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур қарор билан барча Ижод мактаблари, Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган ихтисослашган мактаблар, Тошкент, Хива, Нукус, Наманган шаҳарларида очилган Президент мактаблари мазкур Агентлик ихтиёрига берилди. Шубҳасиз, Агентлик тасарруфидagi таълим муассасалари фаолиятида таъбиқ этилган илғор педагогик технологиялар халқ таълими тизимидаги мингтаб мактаблар ривожига ҳам асос бўлади.

Президентимизнинг ташаббуси билан очилган Ижод мактаблари олдида адабиётимиз, қолаверса, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшадиган нафақат ижодкорлар, балки олимлар, фан ва маданият арбоблари, етук зиёлиларни етказиб беришдек улкан вазифалар турибди.

Жорий йил ноябрь ойида Агентликка қарашли барча мактабларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Молия, Қурилиш, Маданият вазирликлари, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мутахассислари томонидан таълим муассасалари жойида ўрганилиши ва келгусида амалга ошириладиган вазифалар аниқ белгиланган.

Ишчи гуруҳ аъзолари Ижод мактабларидаги кизгин, ўзига хос ўқув жараёнини кузатиб, ажойиб ижодий муҳит устуворлигига гувоҳ бўлишди. Янгича, дунёда ўқшаши йўқ ушбу мактаблар фаолиятини миллий ва дунёдаги илғор таълим муассасалари ютуқлари асосида ташкил этиш, соҳалар ҳамда ўқувчиларнинг истак-хоҳишларидан келиб чиқиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув дастурлари ва дарсликлар билан таъминлаш, ҳар бир ўқувчини яратувчанликка интилишини қўллаб-қувватлаш таъминоти асосида ташкил этиш устида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани.

Ижод мактабларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг таълим олишга, ижодкорликка рағбатлантиришнинг самарали усуллари жорий этилмоқда. Жумладан, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида яратилган ижодий муҳитга ҳавас қилувчи. Бу илм масканида юртимизнинг сеvimли, ардоқли ижодкорлари катори хорижлик мутахассислар, ёзувчи ва шоирлар билан адабий

учрашувлар ташкил қилиняпти, ўқувчилар жаҳон адабиёти ва чет тилларини ўрганишга рағбатлантириляпти. Жумладан, Туркиядаги Хожибайрам университети ўқувчилари – Эркин Воҳидов асарлари таржимони ва тадқиқотчиси Саваш Элок, бобуршунос олим Билол Чок, шунингдек, Қирғизистон Миллий Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурланбек Қаллибековлар билан унутилмас адабий учрашувлар бўлиб ўтди.

Жорий ўқув йилида очилганига қарамай, ўтган тўрт ой мобайнида Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабида турли тадбирлар муносабати билан Ўзбекистон санъат арбоби, мунаққид, таржимон Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матжон, Усмон Азим ва Анвар Обиджон, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев сингари ўндан ортиқ таниқли ижодкорлар ва адабиётшунослар билан адабий суҳбатлар уюштирилди.

Наманган вилоятида жойлашган Исҳоқхон Ибрагимов номидаги ижод мактабида алоҳида битирган ўқувчиларга олий ўқув юртига имтиҳонларсиз кириш имтиёзи берилган. Бу ўз навбатида ўқувчиларга хорижий тилларни пухта ўзлаштириш ва бадий таржималар қила олиш масъулиятини юклайди.

– Ишларимиз, назаримда, жуда жадал кетмоқда. Ижод мактаблари кўп йиллардан бундан бешчиз учун орзу бўлиб келган истакларимизни қисқа вақт ичида рўёбга чиқарди, – дейди Исҳоқхон Ибрагимов номидаги ижод мактаби директори Гулчехра Қаномова. – Биз бу даргоҳда нафақат хорижий тилларни чуқур ўқитишга масъулмиз, балки бетақдор бадий адабиётимизни, илм-фан соҳасидаги ютуқларимизни хорижий тилларга, жаҳон адабиёти дурдоналарини эса ўзбек тилига маҳорат билан ўтирадиган таржимонларни етиштириб чиқаришга интиламиз. Ватан олдидаги бурчимизни бажаришда ўқувчи ва ўқитувчиларимиз яқдил, барчаси тинимсиз меҳнатда, ҳаракатда.

Устозлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг жонқуярлик билан билдирган тақлифлари ҳеч қимми бефарқ қолдирмади. Ахир ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Қолаверса, ҳар қандай тараккиёт мунтазам ўқиш-ўрганиш, тажриба алмашинувларни талаб қилади.

– Мактабларимиз учун ҳос дарсликлар, ўқув қўлланмалари қанчалик тез яратилса, мақсадга шунчалик яқин борамиз. Тизимда дарсликларни мунтазам янгиллаб бориш жараёни йўлга қўйилган, шу жараёнда ихтисослаштирилган мактаблар учун тегишли фанлардан қўлланмалар ҳам ёзилиши керак, албатта, – дейди Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги Ижод мактаби директори Дилфўз Ҳамдамова.

Аслида, истеъдодсиз бола йўқ. Лекин унга истеъдодини ўз вақтида намоён этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш ва уни олий мақсадлар сари рағбатлантириш барча мактабларимизнинг асосий вазифасидир.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
бўлими бошлиғи

АДАБИЁТИМИЗ ТАРҒИБОТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди ҳамкорлигида “Ўзбек замонавий адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет мамлакатларда тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, таржимануослар, адабиётшунослар ва тилшунослар иштирок этди.

Анжуманда ўзбек замонавий адабиётида яратилган энг яхши шеър, насрий, драматик ва болалар учун ёзилган энг яхши асарларни хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда миллий адабиёт намуналарини чет мамлакатларда нашр этиш ишларини янада фаоллаштириш, хорижий тиллардан таржима қилувчи ёш таржимонлар тайёрлаш борасида жаҳонда мавжуд тажрибаларни ўрганиш, таржима назарияси ва амалиёти масалаларига эътибор қаратилди. Анжуманнинг асосий вазифаси замонавий миллий адабиётни халқаро микёсда тарғиб қилиш

Анжуман

борасида устувор йўналишларни белгилаб олишдан иборат бўлди. Анжуманнинг очилишига бағишланган ялпи йиғилишда Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Низомиддин Маҳмудов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али, Самарканд давлат чет тиллар институти профессори Мухаммаджон Холбеков ва бошқалар сўзга чиқиб, таржима назарияси ва амалиёти, ҳозирги замон ўзбек адабиётида кечаётган таржима жараёнлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиб, тарғиб этишнинг икки йўли бор, – деди Халқ ёзувчиси Мухаммад Али. – Биринчиси, чет эллик таржимонлар билан ҳамкорлик қилиш бўлса, иккинчиси, Ўзбекистондаги чет тилларини мукамал ўрганган таржимонлар билан бирга ишлашдир. Хар икки йўналишда ҳам фаоллиқни ошириш керак.

ОРЗУЛАР ИШЛАГАЙ

Биламан, муқаддас, азиздир олам,
Пок, қутлуг насиба туғилган ер ҳам,
Шубҳасиз, мукаррам фарзанди Одам,
Мудом Ватан ичра топсин деб эъзоз,
Ватан тақдири деб бергайман овоз.

Оламга меҳрдан сийловим бордир,
Элим, юртим деган ўйловим бордир,
Энг тўғри қарорим, сайловим бордир,
Жону жаҳонимга садоқат хамроз,
Ватан тақдири деб бергайман овоз.

Жаҳоннинг тинчлиги саодат, иқбол,
Соғ танининг тотгани бол бўлғайдир, бол,
Йўқ, дунё қўлига тутмайман қурол,

Тўй-байрам қилсин деб саз бераман, саз,
Ватан тақдири деб бергайман овоз.

Доим баланд бўлсин қўлдаги байроқ,
Иймон – йўлчи юлдуз, мақсадлар маёқ,
Орзулар ушалгай дил бўлса уйғоқ,
Хумо юксакларга айлағай парвоз,
Ватан тақдири деб бергайман овоз.

Эл деб жони қуйган диллар бор бўлсин,
Бетаъма юрт суйган диллар бор бўлсин,
Адлу инсоф қилган диллар бор бўлсин,
Қанча хизмат қилсак элга, шунча оз,
Ватан тақдири деб бергаймиз овоз.

Ғайрат МАЖИД

МАЪНАВИЯТ МАСКАНЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан ёшлар орасида китобхонликни қўллаб-қувватлаш, мутлола маданиятини оширишга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтдан олсис вилоят ва туман марказлари томон йўлга чиққан китоб қарвонлари чекка қишлоқ, овулларгача етиб борди. Янги кутубхоналар қуриляпти, кутубхоначилар меҳнати қадрланяпти. Бир сўз билан айтганда, китобсеварлар учун шарт-шароитлар яратилиб, ёшларда оммавий равишда китоб ўқишга рағбат уйғонди. Айни пайтда китоб дўконлари гавжумлашиб борапти. Шу жараёнда китоб савдосидаги ўзгаришлар, навбатдаги вазифалар ва мавжуд муаммолар ҳақида пойтахтдаги “Шарқ зикори” китоб дўкони директори Умид ХОЛИҚОВ билан фикрлашдик.

– Китоб савдоси қадимдан, илк бор китоб яратилган даврлардан бошланган. Ипак йўлидан ўтган қарвонларда китоблар ҳам бўлиб, дунё бўйлаб фан, маданият, адабиёт дурдоналарини, бир сўз билан

айтганда, маърифат зиёлари таралган. Тарихдан маълумки, денгиз, уммонларда сузган кемаларда китоблар махсус мумланган бочкаларда ташилган экан, чунки китоб оғир

Китобхонлик

тент келадигани йўқ. Қадимдан китобни муаллифлар ёзган, хунармандлар чоп этган, кейин уни савдогарлар сотиш шаклланиб келган. Хамон шу анъана сақланиб турибди.

6

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бошланиши 1-саҳифада

2017 — 2019 йиллар мобайнида “Биринчи китобим” туркумида 38 номда, жами 380 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари; “Адиб ва жамият” туркумида 44 номда, жами 92 минг 500 нусхада; “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” туркумида 11 номда, жами 16 минг нусхада; “Танланган асарлар” туркумида 13 номда, жами 18 минг нусхада ёзувчи ва шоирларнинг китоблари нашр қилинди. Мухими, бу китоблар Уюшма томонидан таълим муассасаларига, маҳалла ва ташкилотларга — китобхоналар қўлига бепул етказиб берилмоқда. Масалан, 2017 — 2018 йилларда “Китоб акцияси” доирасида Уюшма томонидан 70 мингга яқин китоб республика таълим муассасалари, маҳаллалар, харбий қисмларга бепул етказиб берилган бўлса, 2019 йилнинг ўтган даврида 71 минг 600 дан зиёд китоб ўқувчиларга тарқатилди.

ЮКСАК
МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил февраль ойида Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоятдаги маҳаллалар ва таълим муассасалари кутубхоналарига 39 700 дана китоб совға қилинди.

Бугунги кунда ижодкорларимизда фаол гражданлик позицияси, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу жараёни миллий адабиётимизда публицистика йўналишининг жонланганида ҳам кўриш мумкин.

Уюшмада ташкил этилган Байналмилал адабиёт кенгаши ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Уюшма яна бир яхши анъанани бошлади — фаол таржимонларни, жумладан, ёшларни жалб қилиб, қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилишни йўлга қўйди. Масалан, ўтган қисқа даврда Абдурахмон Жомий, Махтумқули, Абай, Чингиз Айтматов, Мухаммад бин Рошид ол Мактум, Якуб Колас, Леся Украинка, Александр Карлюкович асарлари, япон, рус, тожик шеърлари намуналари, мана, яқинда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг китоблари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу анъана ёш таржимонларни тарбиялашга ҳам хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Уюшма йирик байрам тантаналари, атоқли ижодкорларимиз, маданият ва санъат намоёндалари юбилейларини юқори савияда ўтказиш борасида ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Ёзувчи ва шоирларимизнинг турли давлатларда ўтаётган адабий анжуманларда

доимий иштирок этаётгани, юртимизга чет мамлакатлар ижодкорлари қўлаб ташрифи буюраётгани Уюшманинг халқаро алоқалари изчил ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Миллий адабиётимизнинг таркибий қисми бўлган қорақалпоқ адабиёти ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Қорақалпоқ адибларининг асарлари ўзбек тилига, ўзбек адибларининг асарлари қорақалпоқ тилига ўтирилмоқда. Асарлар тақдироти пойтахтимизда ҳам, Нукус шаҳрида ҳам ўтказилмоқда.

Кези келганда, Ёзувчилар уюшмасининг Президент Администрацияси билан фаол ҳамкорликда иш олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатларга ёки чет давлатлар раҳбарларининг юртимизга расмий ташрифлари давомида Президентимиз томонидан китоб совға қилиниши эзгу анъанага айланди. Ушбу китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш ишларида Ёзувчилар уюшма-

китобхонлик маданиятини оширишга катта эътибор қаратилётган бир пайтда Ёзувчилар уюшмаси бу борада олдинги сафларда туриши керак бўлади. Миллий адабиётимизни хар томонлама ривожлантириш, юксак савияли бадий асарлар яратиш, ижодкорларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, ёш ижодкорларни тарбиялаш ишлари бундан буён ҳам Ёзувчилар уюшмасининг доимий эътибор марказида бўлиши зарур.

Албатта, бундай масъулиятли вазифаларни бажариш, биринчи навбатда, кадрларнинг билими ва малакасига, фидойилигига ва ватанпарварлигига қўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис Президент қарорига асосан Ёзувчилар уюшмасига қўшимча штатлар ажратилган эди.

Айни пайтда Ёзувчилар уюшмасининг муҳим раҳбарлик лавозимлари, жумладан, Уюшма раисининг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари ҳамда бинолар эксплуатацияси бўйича

биринчи ўринбосари лавозимлари бўш турибди. Шунинг билан олиб, Ёзувчилар уюшмаси томонидан кўпчилигининг фикри ўрганилган ҳолда, ушбу лавозимларга бир нечта номзодлар тавсия этилди. Мажлисида Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этилган Надиржон Жанузаквич Халбутаев (Нодир Жонузок), Уюшма раисининг бинолар эксплуатацияси бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этилган Саидгани Саиднабиевич Насригдинов ҳамда Уюшма раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимига тавсия этилган Ботиржон Юлдашев Эргашев номзодлари қўриб чиқилди. Ушбу масала муҳокамаси бўйича сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, таниқли шоир Саъдулла Ҳаким, “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари, адабиётшунос Шухрат Ризаев, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳамда “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Фахриддин Ҳайит номзодлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг Надиржон Жанузаквич Халбутаев(Нодир Жонузок)ни Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари лавозимига, Саидгани Саиднабиевич Насригдиновни Уюшма раисининг бинолар эксплуатацияси бўйича биринчи ўринбосари лавозимига ҳамда Ботиржон Юлдашев Эргашевни Уюшма раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимига тавсия этиш масаласи овозга қўйилиб, бир овоздан маъқулланди.

АДАБИЁТИМИЗ
ТАРҒИБОТИ ЙЎЛИДА

Бошланиши 1-саҳифада

Анжуман ўз иштини учта шўбага бўлинган ҳолда давом эттирди. Биринчи шўбада “Таржима назарияси ва амалиёти” масалаларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институти таржимашунослик кафедраси шадри Хайрулла Ҳамидовнинг “Ўткир Ҳошимов асарлари фразеологик бирликларнинг туркча таржималарида берилиши”, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Носир Шербоевнинг “Таржима — халқлар ўртасидаги кўприк” сингари мавзуларда ўнга яқин маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Профессор Мухаммаджон Ҳолбеков бошқарган ушбу шўбадаги чиқишлар мавзулар ранг-баранглиги, маърузаларнинг мазмунан бойлиги билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Бегойим Ҳолбекова раҳбарлик қилган иккинчи шўбада Нодирбаегим Иброҳимованинг насрий таржималари ҳамда Носир Шербоевнинг Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърларидан қилган таржималари атрафлича муҳокама қилинди.

— Мулоқотлар воситасида бир халқдан иккинчи халққа жуда қўплаб сўзлар кириб келган, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Носир Шербоев. — Бу сўзларнинг айримлари ўша халқ тилига таржима қилинган бўлса, айримлари шундайлигича қабул қилинган. Бундай ҳодисалар дунёдаги барча тилларда учрайди.

Анжуманнинг учинчи шўбасида таниқли шоира Фарида Афрўз шеърларининг форс тилига ҳамда Ўзбекистон халқ шоирлари Мухаммад Юсуф ва Махмуд Тоир шеърларининг турк тилига қилган таржималари таҳлил этилди. Сўзга чиққанлар ўз фикрларида ўзбек замонавий шеърятининг

қардош ва хорижий тилларга тағлама таржимаси сифатини яхшилаш масалаларини қўриб чиқиш, ўзбек замонавий шеърятидан амалга оширилган тағлама таржималар асосида бадий таржима қилиш, уларни чоп этиб, тарғиб қилувчи хорижий ҳамкорлар топши ишларининг осонлашувига эришиш борасидаги долзарб муаммоларни ўртага ташлашди. Шу билан бирга, таржимонлар ва замонавий адабиёт тадқиқотчилари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, ўзбек замонавий насрининг қардош ва хорижий тилларга таржимаси сифатини яхшилаш масалаларини қўриб чиқиш, таржима соҳасида кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлаб ўттишди.

Шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган “XX аср ўзбек шеърлери ва насри намуналари”, “XX аср — Ўзбекистон адабиёти киефаси” лойиҳаларининг тақдироти бўлиб ўтди.

Анжуман доирасидаги бу тақдирот анжуманининг амалий йўналиши бўлиб, ўз олдига ўзбек замонавий адабиётида яратилган энг яхши шеърлар ва насрий асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган бошқа миллат вакиллариининг ижоди билан ўқувчиларни янада кенгрок таништиришни максалд қилиб қўйган. “XXI аср ўзбек шеърлери ва насри намуналари” сифатида таржима қилинган асарлар “Звезда Востока” журналининг 2020 йил февраль-март сонларида, “XXI аср Ўзбекистон адабиёти киефаси” лойиҳаси доирасида таржима қилинган асарлар “Шарк юлдузи” журналининг 2020 йил март сонидида чоп этилиши режалаштирилган.

Анжуман ажунларига бағишланган ялпи мажлисида шўба раҳбарларининг хисоботлари тингланди ҳамда қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

Ўз муҳбиримиз

Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги

МУМТОЗ АДИБГА ЭҲТИРОМ

Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон ва давлат арбоби Мухаммад Ризо Эрнийзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Ушбу кутлуг сана муносабати билан Хоразм вилоятида бўлиб ўтган тадбирлар адабиёт байрамига айланиб кетди.

Мазкур адабий анжуман 16 декабрда вилоят мусикали драма театрида Қурбон Мухаммадризо каламига мансуб “Огаҳий” спектакли намойиши билан бошланди. Шоирнинг туғилган куни — 17 декабрда эрта тонгда юртимиз вилоятлари, шаҳарлари, шунингдек, чет элдан келган олимлар, адиблар, таржимонлар, жамоатчилик вакиллари Қиёт кишлоғидаги Шайх Мавлонбобо қабристониди Огаҳий ва Мунис қабрларини зиёрат қилишди.

Тадбир иштирокчилари Қиёт кишлоғидаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, Огаҳий номи билан боғлиқ тарихий қадамжолар ва замонавий иншоотларни томоша қилдилар, шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Санъат Салаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ғайрат Мажид, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов Огаҳийнинг адабиётимиздаги юксак ўрнини, меросининг бекиёс тарбиявий аҳамиятини, Огаҳий номида Ижод мактаби бунёд этилгани шоир асарларини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги эзгу ишларнинг кутлуг дебачаси эканини таъкидлашди.

Ижод мактаби биноси олдида улуг бобокалонимизнинг ҳайкали ўрнатилган. Икки юз ўринга мўлжалланган, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув биноси, Истеъдодлар маркази, кутубхона, спорт зали, 100 ўринга мўлжалланган ошхона ва ётоқхона, ёзги футбол ва волейбол майдончалари, босмахона, миллий наққошлик

услугадаги амфитеатр — барчаси бир бутун меъморий мажмуа бўлиб, ўзгача салобат ва маҳобат касб этган. Ушбу муазам меъморий мажмуанинг тарқибиди Огаҳий уй-музейи барпо этилган, ҳаётлигида ўз қўллари билан эккан тут дарахти эса ҳаёлигини беихтиёр буюк шоир яшаган замонага етаклайди. Вилоят ҳокимлиги Огаҳий асарларининг йигирма жилди нашрини амалга оширишга бел боғлаган. Бугунгача саккиз жилди нашрдан чиқди. Ижод мактабида янги нашр этилган ушбу китобларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Урганч давлат университетида “Огаҳий — шоир, муаррих ва таржимон” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Миңчиган (АҚШ) университети профессори, адабиётшунос Темура Хўжа ўғли, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари Хамидулла Болтабоев, Шахло Ҳожиёва, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари Ҳамдам Абдуллаев, Дилшод Ғойипов, Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Нусратулло Жумахўжа ва бошқа адабиётшуносларнинг илмий маърузалари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон микёсида Огаҳий ижодини чуқур ўрганиш борасида изланишлар олиб борилаётганини намоён этди.

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

МУҚАДДАС НЕЪМАТ

Инсон таомномасида шундай неъмат борки, у ҳаёт рамзига айланиб, ҳеч қачон қўнгилга урмайди. Бу тириклик тимсоли, ризк-рўзимиз манбаи — нондир.

Жамоатчилик вакиллари иштирок этган бир оммавий тадбирдан сўнг ташкилотчилар бир пиёла чойга таклиф қилишди. Турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофига ўтирдик. Шу дамда бир ноқулай вазият содир бўлди. Мезбонлар уэр сўрашди: дастурхонга ҳамма нарсас қўйилган, фақат нон етиб келмабди. Буни қарангки, нонсиз бирор неъматни тановул қилиб бўлмади. Ўн-ўн беш дақиқадан сўнг тандирдан узилган бўрсилдок нонлар даврага тортилганда бу ажойиб неъмат кўринишидан куёш парчасидек кўзга ташланди. Ҳамма ноннинг инсон ҳаётида бекиёс ўринга эғалигини таъкидлади.

Биз нонни куёшга мензгаганимиз тасодифий эмас. Куёш нури борликка ҳаёт бахш этгани каби, нон ҳам инсон вужудига бебаҳо озик беради.

Халқимизда азалдан шундай удум бор: харбий хизматга отланган йигитларга нон тишлатилади. Маъноси шуки, ноннинг қолган бўлган фарзанднинг уйига, Ватанига қайтиб келишини кутади. Демак, бу ерда йигитнинг ризк-рўзи ўша нон тимсолида муҳассам.

Янги оилалар пайдо бўлишида ҳам ноннинг алоҳида ўрни бор. Икки ёш никоҳдан ўтишдан аввал қўшалоқ нон синдирилади. Ушлаган нон бўлакларини меҳмонлар эзгу ният билан уйларига олиб кетишади. Йигит ва қиз қўша қарисин, нон каби азиз бўлишини, деган ният бор бунда.

Шундай экан, нонни эъзозлаш, кўзга суртиш миллатимизнинг ажойиб қадрияти. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Мактабда ўқиб юрган давримизда тарих таълимимиздан икки паллали таразини олдимизга қўйди. Бир паллада синф парталари орасида исроф бўлган нон парчалари, иккинчи паллада худди шу вазнда бус-бутун оппоқ нон турарди. Ҳамма ерга қаради — эъзомимиз шу нон парчалари айнан бизнинг синфимиздан йигилганини айтди. Бошқа ҳеч қандай сўз айтилмади. Лекин ўша воқеадан кейин синфимизда ҳеч қим нонни исроф қилмайдиган бўлди. Ана шу сабоқ ҳамма синфдошларимизга тасйирли тарбия бўлди.

Кимдир ўз ҳақлигини астойдил исботлаш учун қўлига нонни олиб ишонтиришга ҳаракат қилади. Шунда бошқа гап ортиқча бўлади. Демак, нон ишонч-этиқод рамзи ҳамдир.

Тандирда қип-қизил бўлиб пишган нон қандай йўлни босиб ўтишини ўйлаб кўрганимизми? Аввало, дала экишга тайёрланади. Замин бағрига дон уруғи сепилади. Умид билан майсаннинг кўкариб чиқishi қутилди. Бугдойзор етарли озиклантирила-



ди, суғорилади. Ҳосил етилганда далалар олтинранг тусга қиради. Бунда ҳаво харорати жазирама пайтга тўғри келади. Комбайнчининг шижоатли ҳаракатини кўриш учун дала ёнига бирпас туринг, иссиқдан дамингиз қайтиб кетади. Ана шу бугдой тегирмондан ўтказилган, ун шаклига келад. Сув қўшилган ҳамир тандирга ёпилганида новвой қандай оташ тафтида ишлашини тасаввур қиласизми? Бу машаққатларнинг ҳаммаси халқимиз дастурхонига нон етказиш учун, инсонлар бу неъматдан баҳраманд бўлиши учун.

Яқинда бир даврада ноннинг нархи ошганилиги ҳақидаги суҳбатнинг устидан чиқиб қолдим. Ўзини бошқалардан билимдон, деб билган одам: “Барибир ноннинг нархи оширилмаслиги керак эди”, деди. Давра тўрида ўтирган оксоқол эътироз билдирди: “Ўйлаб кўрайлик, нон — бебаҳо неъмат. Агар уни арзон қилиб қўйса, бозар қатлафохлари молга беришдан ҳам тоймайди”, деганда бошқалар отахоннинг сўзини маъқуллашди.

Мен бир идора раҳбарини танинман. Қўл остига бирор ҳодимни ишга олишда меҳнат феолияти акс этган маълумотнома (объективка)ни синчиклаб кузатади. “Шунда нимага эътибор берасиз?”, деб сўраганимда тажрибали раҳбар: “Бу одам бир бурда ноннинг қадрига етармикин, деган ўйда бўламан”, дейди. Нақадар ҳаётий мезон. Бугунги фаровон замонда умуман қийинчилик кўрмасдан, сип-силлик ҳаёт кечираётган инсонлар қанча? Бир бурда ноннинг қадрига етадиган одамдан фақат эзгулик кутиш мумкин.

Бир бурда нонни қандай топишни бошидан кечирган одам қўп қийинчиликларни танасидан ўтказган бўлади. “Бели оғримангнинг нон ейишини кўринг” деган нақл шунга назарда тулади. Нонни қадрлаган зот инсоннинг ҳам қадрига етади. Гафур Ғулмонинг

машҳур “Сен етим эмассан” шеърдаги “Бошимни силашга бир меҳрибон қўл, Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда” сатрларини эслап: Шу маънода бобо-бувиларимиз “Нон деса кесак ғирллаб келадиган” замонни кўришган. Улар ўзаро суҳбатларда “У қуларини биз кўрлик, сизлар кўрманлар” дейишди. Ҳа, бир бурда нонга зор бўлган замонларнинг юзини тесқари қилсин. Лекин инсон хор бўлмагани каби нон ҳам хор бўлмасин.

Дунёнинг ақсарида жойларида азиз меҳмонни ёки хурматли делегация аъзоларини тантанали тарзда нон ва туз билан қутиб олиш одати бор. Шу удумни баъзи ҳамкасбларимиз шарқона қадриятлар учун бегона, деб танқид қилганларига гувоҳимиз. Менинг назаримда, меҳмонни нон ва туз билан қарши олишда жуда катта маъно бор. Бу ўринда нон ва туз ҳам ризк-рўз рамзи, ҳам тинч-тотув яшаш, фаровонлик белгиси. Ахир халқимиз инсониятнинг энг эзгу удумларини ўзига қабул қилишда ҳеч қандай ғайритабиийлик бўлмаси керак. Ўзга элларга қадам қўйганимизда бизни ҳам нон-туз билан қутиб олишса, қалбимизда мезбонга нисбатан илиқлик пайдо бўлади.

Олис йўлга кетаётган ўғил отаси хузурига кириб “Ота, менга фотиҳа беринг”, дея дуо сўради. Фаришта-мисол отаси ўғлини узундан-узук дуо қилди. Сўнгра “Болам, машинага нон солиб ол, сафарда йўлдош бўлади”, деб маслаҳат берди. Буни қарангки, йигит узок йўл юргач, чўлу биебонлардан ўтаётганда қорни очкади, боғи нонни ушатиб тановул қилганида отасининг донолигига тан берди. Нон ҳаммаша азиз ва муқаддаслиги аён бўлди. Уни эъзозлаган одамлар ҳам эл ичра азиз ва муқаррамдир.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси


ОЛАМНИИ УЙФОТЛАМИЗ

ИСТЕЪДОДГА МЕХР БЕРАЙЛИК

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ташкил этилган “Адабиёт гулшани”, “Чашма”, “Хилол”, “Лингвист” каби тўғараклар, ижтимоий тармоқларда кўпчилик эътиборини қозонган “Шеърят базми” руқнида ижодкор талабаларнинг шеърлари мунтазам эълон қилиб борилмоқда. Ёшларнинг ўзига хос жўшқинлиги, янгиликка интилиши, тинимсиз изланиши бизни қувонтиради. Уларнинг машқларини кузатиб адабиётимиз ишончли кўлларда экани кишига умид бағишлайди. Ҳар йилги анъанамизга содиқ қолиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ўқувчиларига талабаларнинг машқларидан намуналар ҳавола этилган.

Назм ва наср бўлими


Абдулазиз АХМЕДОВ

Боланг кайтди тош шаҳарга
Экиб соғинч деган кўчат.Эски йўлда босдим такрор
Болалигим изларини.
Мен шаҳарга олиб кетгум
Окибатнинг изларини.

Дехкон

Шеър базми авжида — сеҳрли оқшом...
Бехос шеър осмонини қоплади соя —
Кимдир шеър ўқиди хашкириб, жўшиб,
Дехконни кетмонга қилиб қофия.Дехкон манглайдан тўқилган терга
Шоҳ асар битса кам шоиру носир.
Улар қалам билан овуниган вақтда
Дехкон элим дея шудгорда хозир...

Шахзод ШОДМОН



Азизли

Эй, азизим, шошма бир нафас,
Дил зоримни бир лаҳза тингла.
Кўксим бўлди юракка қафас,
Озод бўлар сенинг ҳукминг-ла.Менга лутф эт, лоақал бир бор,
Кўзларимга тик кўзларингни.
Майли, ўтсин шу кеча бедор,
Тингласанг бас дил сўзларимни.Бир лаҳза эрк бергин кўнгилга,
Қолган умрим ютса ҳам фирок.
Шу бир лаҳза парвози дилга,
Минг умрдан кўра яхшироқ.

Бегорлик

Ярим кеча, уйку йўқ,
Дилда нур бор, қулгу йўқ.
Бу кеча юрагимда
Ишқдан бошқа туйғу йўқ.
Ярим кеча, уйку йўқ.Осмон узра ой тўлини,
Оқ булутлар оқиди.
Ойнинг тафти ушбу тун
Дилимга ўт ёқиди.
Осмон узра ой тўлини.Шамол эсар бир майин,
Худди сочларингдайин.
Шу кеча тонг отгунча
Ухламаслигим тайин.
Шамол эсар бир майин.Ярим тун, бедор дилим,
Ошику бемор дилим.
Бундан сира беҳабар
Ухлаяпсан, севгилим.
Ярим тун, бедор дилим.

Севинч АБАЗОВА



Орзу

Тонг. Оламини уйғотайин деб,
Қуёш ботиб кетади терга.
Гул баргининг чизикларини
Поклаб шудринг томади ерга.Қуёш севар она заминни
Бизга тутиб-бахтининг йўрагини.
Бош кўтарди шунда ишқ сабаб
Офтоб каби порлаб юрагини.Сўз. Оламини уйғотайин деб
Қуёш янги ботамади терга.
Кузатаман, кимнинг кўз ёши
Қалбин поклаб томади ерга...

Қўзғал

Кўзларда сўзлар бор яширин,
Акс этар уларда ғам, ханда.
Ёлғон гап айтмайди одамзод
Сўзласа кўзга тик бокханда.Намоён бўлади кўзда қалб —
Очиклик, тўғрилик нишони.
Кўзларда ўзимни кўришга
Тобора боряпман ишониб...

Динора БЕКМУРОВА



Золдинг

Тоғлар қуршаб олди мени,
Зомин, мана қаршингдаман.
Яшил арча, ойдин булоқ,
Табиатинг аршидаман.Сув оқди шиллир-шилди,
Ҳаётдан сўз очади,
Бораверсак йўл-йўлкай
Соф булоқлар кўз очади.Шамол эсиб ўтар ғир-ғир,
Ёмғир томчи-томчилади.
Кечга яқин салқин ҳаво
Тулпорини камчилади.Тонг ёришиб келар, худди
Болақайдай кўз ишқалаб.
Осмон юзи кизаради,
Ўпич олган кизга ўхшаб.Вакт — жойлайди жомадоним,
Юраккиман югуради.
Шамол эса менга гуллар
Беришга ҳам улгуради...

Қишлоқ

Келдим қишлоқ, салом сенга,
Мажнунтодлар, анҳор суви...
Соғинчмни пишиб-пишиб,
Ажратиб бер энди қуви.Кўнгли даштдай одамларни
Сигдирган тор, тупроқ кўча.

Хафиза АБДУМАЛИКОВА



Macabbur

Мен баҳорга айланиб бир кун
Боғларингда пайдо бўламан.
Шунда дерсан, кўзингда учқун,
Танияпман, сени биламан!Сўнг шамолга айланаману
Само бағрин кезиб чиқаман.
Сен кўз тикиб яшаган мангу
Юлдузларни териб чиқаман.Ундан кейин ойга айланиб
Кечаларинг нурга безайман.
Айтадирсан, нурларинг ўтди,
Пастга тушгил, кўзининг кўрай ман.Сўнг юлдузлар қочар уфққа,
Ой осмонни минг бор айланар.

Гулчеҳра АСРОНОВА

Баъзан шундай бўлади — энг яқин
одамингга ҳам дилингдагини айтол-
майсан. Назаримда, ҳар бир инсон
хаётида айтилмайди, фақат ёзили-
шигина мумкин сўзлар бўлади...Онам атиги уч синфни битирган.
Хат-саводи ҳаминкалар — амаллаб
ўқиб-ёзарди. Лекин фарзандлари йи-
роқлаб қолса, мактуб йўллашни кан-
да қилмасди. Олти ўғил-қиз ҳали ар-
мияга, ҳали ўқишга кетамиз. Онам
эса чин дилдан саломномалар юбо-
ради. У пайтлар қишлоғимизда қўл
хисоб эди. Бир хатлар ёзди-ей, она-
жонгинам! Туйғуларидек содда, худ-
ди ёнгинанга ўтириб, меҳр товлан-
ган кўзлари термулиб, кўллари билан
бошинингни силаётгандек...Ўртанча акам Афғон уруши-
га кетди онамининг бегубор хат-
ларига дард-алам илашди. Уруш ўз
номи билан уруш-да, ҳар замон-ҳар
замонда акамдан дарак бўлмай қо-
ларди. Оназоримнинг икки кўзи
почтачининг йўлида, оқшом бўлса те-
левизордаги янгиликларни пойлайди.
Батафсил хабарлар қайси кўрсатувда
айтилишини билиб олган. Тили ке-
лишмай, “Ана, жим, бошланди!” де-
ганида шундоғам экрандан кўз узмай
жим ўтирган холимизда нафасимиз
ичимизга тушиб кетарди. Портлаш,
тўс-тўполон ичида ҳамма аскарлар
қўзига акам бўлиб кўринаверарди.
“Нима деяпти?” деб тинмай сўроқлар-
ди, дадам эшитганларининг ярмини-
гина юмшатиб-силлиқлаб айтарди...Урушдаги дилбандига ёзган
мактубларини конвертга жойлаш-
дан аввал кўзим тушса, болалигимга
бориб хатоларининг кўрардим.
“Болажоним... ўзим ўргилай... жон
ўғлим...” Бу сўзлар замиридаги ғам-
аламни эмас, тушиб ё ўзгариб қолган
харфларини илғаб қоламан. “Роса қий-
шиқ ёзибсиз. “Балам” дебсиз, “бо-
лам” бўлади!” — тузатаман билагон
бўлиб.— Қўявер, аканг ўзи тўғрилаб ўқиб
олади.
— Айтиб турсангиз ёзиб берар-
дим-ку?— Йўқ, ўзим ёзганим бошқа.
...Акам роппа-роса бир йилу
тўққиз ой жанг қилиб, тўрт муча-
си соғ, фақат иягининг чапроғида
“осколка” билан қайтди. Лекин бу ўқпарчаси қалбиди битмас жароҳат-
лар олдида чикора экани кўп ўтма-
ёқ аён бўлди. Бинойдаи акам тезоб,
ўзини ўзидан бошқа тушунмайдиган
одамга айланган эди. Ота-онамиз
унинг омон қайтганига туну кун шўқ-
рона айтар, безовта рухиятида ахён-
ахён бош кўтарган тўфонларга мато-
нат билан қалқон бўлардилар.Ота уйдан олислаш навбати менга
етди — олийгоҳга ўқишга кириб, пой-
тахти азимга кетдим. Онамдан соғинч-
га тўла мактублар ола бошладим. “Жо-ним болам... менинг фаҳрим...
айланай...” Энди хатоларини
пайқайман ҳам, дастхатни
қўргандаёқ ич-ичимдан йиғи келади.
Дадамнинг бевақт вафотидан кейин
хилвираб қолган кўнглидан қайта-қай-
та ўтказиб ёзган номаларини авайлаб
жомадонимга солиб қўяман. Гоҳи хат-
дан олдин ўзим етиб бораман, лекин
барибир жавоб ёзмаман. Чунки онам
мактуб олганида қанчалар қувониши-
ни яхши биламан.Бир сафар қишлоққа бориб сал ол-
динроқ акамнинг асаби қаттиқ хуруж
қилгани, отамиздан қолган ов мил-
тиги билан қатта бокка чиқиб кетиб
осмонга ўқ узгани, ҳаммамнинг юра-
ғини ёрганини эшитдим... Дадам бор-
лигида бундай тўполонлар енгилроқ
қўчарди. Онам шўрлик бир сиким бў-

либ, юзига ғам нуқси уриб қолибди...

Оқшом пайти иккимиз узок суҳ-
батлашдик. Бир оғиз қойиб гапирма-
ди. “Акангга қийин. Икки йил ўлим
билан ёнма-ён юриб келди. Нима-
лар ўтди бошидан, Олло билади...”
Ростданам, акам Афғондаги жаңглар
хақида зинҳор гап очмас эди. Гўё
унинг хаётида ўша икки йил бўл-
маган, бўлса ҳам бутунлай унутиб
юборгандек. Аммо уруш у билан
муттасил бирга, бутун борлигини
эгаллаганча оғир сукут сақлаётгани,бу сукутат залворига дош бе-
ролмай қолган кезлари дунёни
унутганча хайкириб юбориши-
ни ҳаммамиз тушуниб қолгандик.Қайтаётган куним эди, нарсала-
римни жойлаётгандим. Онам аста
ёнига келиб, қўлидаги буклоғлик
варакка ишора қилди.— Акангга хат ёздим.
— А?!Бир муддат лол бўлиб туриб қолдим.
— Нега? Қанақасига?Кейин машғум бир ўйдан бо-
шимга гурзи тушгандек бўлди.— Сизга нима бўлди, онажон? — де-
дим хавотиримни яширолмай овозим
дарз кетиб. — Ахир акам... шу ерда,
ёнингизда-ку!— Ҳа, шу ерда... Лекин ўзида
эмас-да.— Вой онажон-ей, шундай демай-
сизми! Ахир, хатга не ҳожат?— Кўряпсан-ку, салга лов этиб ён-
япти. Шунга... хат ёзувдим-да. Бал-
ким ўқиб, сал тинчланар?— Ҳм-м... билмасам. Ундан кўра
хотиржам ўтириб гаплашганингиз
маъқулмасмикин?

У янада мунгайиб қолди.

— Қандок гапирай? Гапиролмай-
ман...Волидамнинг нигоҳида шундай
тубсиз мунг зоҳир бўлдики, доим
қулиб турувчи бу кўзларда илк бор
улкан қайғу суратини кўрдим. Бунга
дош беришим осон эмасди.— Ўқирмикин? — сўради сўнг илти-
жо билан бозиб.

— Қайдам...

Ташқарида опам қақирди. “Ҳой
қиз, поездинг неччида, кеч қолсан!”
Онамнинг кўзларида эса ҳамон ўша
савол қалқиб турарди: “Ўқирми-
кин?”... Йиллар бир-бирини қувалаб
ўтди, бу орада онам ҳам боқий дунёга
рихлат қилдилар. Улғайдик, йўлла-
римиз тобора айро тушди. Ҳар замон
қўришамиз, бир жойга тўпланиши-
ми амри маҳол. Тирикчилик дарёси-
да ўз-ўзимизча оқяпмиз. Лекин баъ-
зан шундай пўртаналар бўладики...Акам бирдан оғриб, ҳушдан ке-
тишгача борибди, эшитибок йўл-
га чиқдим. Қасалхонада кўпчилик
экан, навбатма-навбат кирдик. У
пойтақдаги жойда, билагига игна
суқилган, бўш қўлини боши ости-
га қўйганча ана-мана туриб кета-дигандек омонат ётар эди. Пала-
тадагилар билан саломлашиб, оёқ
тарафга қўйилган стулга ўтирдим.
Омонлашдик, хол сўрашдик, шу
асно бўғзимга тикилган кўз ёшлар
билан қаттиқ қурашдим... Акам
хали шифтга, хали тепасига осилган
қатта идишдаги дорининг томчила-
шига қараб гапирар, дам-бадам қай-
сидир сўзни тополмай узок тўхтаб
қолар ва панд бераётган хотираси-
дан нолиб қўярди.— Ўзинг яхшимисан? Болала-
ринг...— Яхшимисиз. Сиз тузалиб қол-
сангиз бўлди.— Ўзи бутун кетмокчиман. Ҳеч ёт-
гим йўқ.Инсон оғир дамларда доим кимга-
дир муҳтож бўлади. Ташқарида бир
қўрғон бола-чақаси илҳак турган бўл-
са ҳам акам шу ётишда негадир кў-
зимга ғариб кўринди. Айни дам онам
хақида, кейин яна... ўша хат хақида
гаплашгим келди. Лекин қандай қи-
лаб? Нима дейман?Бу ҳақда кўп ўйладим, ҳозир ҳам
ўйлайман: ўқитганимкин? Нима деб
ёзган эканлар онам? Хаёлимда сатр-
лар кезди: “Жоним садага болам...
Худо сени қайтиб берди... Қўй, бун-
ча сиқлаверма... Хат ёзганимга
ачингинг чикмасин...”. Муштина-
римни бу қадар изтироб билан ёлғиз
ташлаб кетишга қандай ҳаддим синди
экан ўшанда?Баъзан шундай — онамининг бутун
умри узундан-узун соғинчли мактуб-
лардай туюлади...

“ГАР ОДАМСЕН, МУХАББАТ ИХТИЁР ЭТ”

Нодираи Даврон... Калбимизда адабиётга ўзгача бир ихлос уйғона бошлаган кунлардаёқ бу исм бизни оҳанрабодек торга бошлаган эди. Гарчи шоиранинг ўзи яшаган замон адабий тартиблари асосида ёзган ғазалларини ўсимирлик шууримиз билан тўла англай олмасак-да, унинг жарангдор исмига мафтунлигимиз бор эди. Вақти келиб билдикки, шоиранинг исмларига қўшилган “Даврон” шунчаки қўшимча эмас экан. “Саодат” журнали учун Сурхондарё вилоятидан материаллар тайёрлаш жараёнида ушбу ҳудудда IX–X асрларда фаоллият олиб борган, етти иккимдан илм олиш талабида келган аёлларга дунёвий ва диний билимлар берган “Қирк киз”га етакчилик қилган. Кўриниб турибдики, “Даврон” бу илм, ақлу донишлиги билан замонасининг эътирофига муяссар бўлган, лойик қўрилган аёлларга бериладиган тахаллус бўлган. Нодира исмидан ташқари Комила, Мақнуна каби тахаллуслар билан ёзган асарлари эл орасида шуҳрат қозонган шоира ижод жараёнида ҳам, ҳаётида ҳам бу тахаллус юқини шараф билан кўтарди. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигини бошқарган, тарихда илм, маърифат ҳомийси сифатида ном қолдирган Амир Умархон жуфти ҳалолликка ҳар жиҳатдан етук, ёлғиз қолганларида дилбар суҳбатдош бўла оладиган, кези келганда давлат масалаларида ҳам маслаҳат беришга қодир умр йўлдош танлашни табиий эди. Шу мезонларга кўра баҳолаш ҳам муҳтарам Нодирабегимнинг тарихимиз ва адабиётимиздаги баланд ўрнини аниқ тасаввур қиламиз.

Лекин том маънодаги шоир ва шахс даражасига кўтарилиш ҳеч қайси замон ва маконда ҳеч қайси аёлга осон бўлмаган. Хатто Нодираи Даврондек тождорга рафика бўлган, кейинчалик ўзи тахтга эгалик қилган инсонга ҳам... Шоирани изтиробрлар, ғамлар улайтирган, йўқотишлар, айриликлар, фироқлар уни бардош, матонат соҳибасига айлантирган. Тўғри, турмушининг дастлабки йилларида Нодирабегим маликалик саодатидан, оналик суруридан, муҳаббат ва вафотидан қўшқонлар билан бўлган. Бу ҳақда маънавий ўша пайтдаги кайфияти шеърятда куйидагича ифодаланган:

Эй хуш ул кунларки васли
базмида масрур эдим,
Шоду хуррам давлати
дийдорига мағрур эдим.

Бироқ қисмат шоирага бу саодатни кўп кўрди: Амир Умархоннинг бевакт вафоти Нодирабегимнинг суянч тоғига суяниб оёйишта кечаётган кунларига яқин ясади. Сабру қарор кетди мен зору бенаводин, Андух бирла қолдим сайинд Умар ғамиди — дея фиғон қилади шоиранинг ўзи бу ҳақда. Шу палладан эътиборан Нодирабегим зиммасига жуда залворли юқин олади. Давлатчилик тарихимиздаги энг қийин даврда, яъни хонлиқлар орасидаги ўзаро низолар кучайиб, шу гирибодда Қўқон хонлиги ҳам заифлашган, чор Россиясининг Ўрта Осиёга қизқишлари ортган даврда шоир қалби бир аёлнинг халқ тақдирига жавобгарлиқни елкасига олиши катта жасорат эди. Таомиллар, расм-русумлар қандай бўлишидан қатъий назар, Нодирабегим бу оғир юкдан ўзини ҳузур-халоват панасига олиш учун йўл топиши мумкин эди. Чунки тахтга ошқилар ҳамнаша топилади. Агар шоирада заррача мойиллик бўлганида маликани фарзандлари билан бирга қўшиб олишга, сўнг унинг воситасида тахтга етишишга тайёр орузмандлар, ўйлаймизки, атрофда бисёр эди. Лекин шоира осон йўлни танламади: қилиб, англаб туриб бўронларга қарши борди.

Назаримизда, шоира шахсидаги энг ёрқин нуқталардан бири ҳам ана шу. Инсоният тарихида тожу тахт имкониятларидан ўз шахсий ороми йўлида фойдаланган ҳукмдорлар озмунчами? Лекин Нодираи Даврон ўз исми, ўз тахаллусига садоқат сақлаган ҳолда халққа бошчилик қилиш вазифасини шараф билан адо этди. “...Масокин ва бенаволарга хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Қарам ва ато хонидин фуқаро халқини мамнун ва мустамин айлаб, марҳамат ва шафкатлар кўргуздим... Фазлу дониш қабиласига шафкат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздуким, эътибор даражасига тараққий қилдилар.” Шоиранинг ўзи ёзганидек, у сипоҳиларга ҳам, тужжорларга ҳам ихтиёрида бор яхшиликни раво кўрди. Амир Темуру ҳазратлари барпо этган буюк Туркистон салтанатининг жоҳилик, ҳасад, ноахиллик каби иллатлар ичдан емираётган бир паллада халқ, миллат сифатида йиллар даво-

Ўзбек мумтоз адабиёти



мида қўлга киритган моддий, маънавий бой-ликларимизни асраб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Айни пайтда шахсиятидаги юқалиш, одамийлик, фуқаропарварлик туйғуларининг кучайиши Нодирабегим ижодида ёрқин тарзда акслана бошлади. Бир пайтлар ўзини Амир Умархоннинг камтаргина шогирди деб билган шоира ижодида ижтимоий юқнинг залвори ошди.

Элни айбини зоҳир этмоғли
Йўқдур инсоф ила мурувватдин.

Улки, эл айбини қилур пинхон,
Тангри саклар ани ҳар офатдин.

Албатта, Нодирабегим ўз даври адабиётининг вакили сифатида шеърятдаги анъаналардан бутунлай узоқлашиб кетолмади. Унинг ғазалларида муҳаббат мавзуси етакчилик қилади. Лекин унинг ошқоналари аро ҳам адолат истовчи, ҳақиқат изловчи юракнинг зарблари аниқ сезилиб туради:

Фуқаро ҳолига гар бокмаса ҳар шох анга,
Ҳашмату салтанату рифъату шон барча абас.

Шоҳ улдиarki, райиятга тараххум қилса,
Йўқ эса қондан амну амон барча абас...

Ўзбек тили адабий тил сифатида шаклланиётган даврда араб ва форс тилларининг жамият ҳаётидаги мавқеи беҳад даражада катта эди. Шу ҳол XIX аср охири – XX аср бошларига қадар давом этиб келди. Шу йилларда жунбушта келган жаҳид маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиётни ўз олдига янги ўзбек адабий тилини яратиш мақсадини ҳам қўйди. Янги ўзбек миллий мабуоти ва адабиётининг туғилиши ҳамда шаклланиши жараёнида бу адабий тил атак-че-чак қила бошлади. 20-йилларнинг ўрталарида Абдулла Қодирий каламига мансуб “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг, Чўлпон шеърлари ва ҳикояларининг, 30-йилларнинг аввалида эса “Кеча ва кундуз” романининг яратилиши янги ўзбек адабий тилининг тўла шаклланишини намойиш этди. Шунга қарамай, Чўлпон Л.Сайфуллинанинг “Ичкарин”, Шекспирнинг “Ҳамлет” асарларини таржима қилишга киришганида ўзбек тилининг ҳали етарли даражада шаклланимаганини сезди. Аммо у бу ҳар икки асарни таржима қилиш жараёнида ўзбек тилининг дугат таркибини бойитиш, бадиий услуб масалаларига сайқал беришга қаратилган шундай ишларни амалга оширдикки, “Ҳамлет”нинг таржимаси янги ўзбек адабий тили ва таржима адабиётининг дурдона асари бўлиб қолди.

Жаҳон адабиётининг ҳар бир асарида тасвир этилган халқнинг тарихи, маиший ва маданий ҳаётига доир шундай сўз ва тушунчалар бўладики, уларни бошқа бир тилга таржима қилиш осон эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, А.Қодирий ва Чўлпон асосчилари бўлган янги ўзбек адабий тили лугат таркиби ва бадиий услуб ва услубларига кўра бой тиллар даражасига кўтарилди, бу тилга Шекспирдан тортиб ҳозирги жаҳон абсурд адабиёти намояндаларининг асарларига қадар ҳаммасини таржима қилиш мумкин. Ривожланган ҳар бир тилининг шундай ички имкониятлари бўладики, бадиий таржима жараёнида имкониятлар бўлоғи очилиб кетиб, тил бойишда давом этади. Ҳозирги ўзбек адабий тили шундай буюк тиллардан биридир. Энциклопедияда шундай ва бошқа қатор муҳим тилшунослик масалалари ўз талқинини топади.

Ўзбек тилининг ҳанузгача ўрганилмай келадиган масалалардан бири, бир томондан, араб ва форс тилларининг, иккинчи томондан, лаҳжа ва шева-ларнинг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги роли ва ўрни бўлса, иккинчиси ўзбек (туркий) тилининг рус ва бошқа тилларга кўрсатган таъсири масаласидир...

Шунга ўхшаш қатор муҳим масалалар борки, уларнинг “Ўзбек тили” энциклопедиясидан ўрин олиши ва илмий жиҳатдан тўғри ёритилиши ўзбек тилшунослик фанининг ривожланишида муҳим омил бўлади. Ўйлаймизки, ўзбек тилининг олтой тиллари оиласига мансублиги ва шу оила “аъзолар”и бўлган тиллар тўғрисида ҳам маълумот берилиши зарурлиги ва бошқа масалалар “Ўзбек тили” энциклопедиясининг халқаро лойиҳа асосида бажарилишини тақозо этади.

Наим КАРИМОВ,
академик

Шоира шеърятни дунёсига қирар эканмиз, ҳар гал уни янгидан қашф этаверамиз. Унинг ғазалларидаги:

Эгма қошинини ҳамми бўлғоли эл саждагоҳи,
Қаъба деворига хайрат ила қолмиш меҳроб —
каби мисраларидаги бадиият, ифода усуллари нечоғли хайратга туширса,

Жаҳонда, Нодира, ишк ихтиёр эт,
Муҳаббатсиз кечурган хайф авқот —
сингари мисралар ҳам шунчалик мафтун қилади.

Шеърятнинг асл вазифаси туйғуларни тарбиялаш, қалбни ҳаракатга келтириш. Бизнингча, санъат жиҳатдан баҳоланса ҳам, фикр тарозисида тортилса ҳам Нодирабегим ғазаллари вақт синовларига дош беради.

Мақсад на эди жаҳона келгин?

Кайфиятиниз баён этиб кет —

каби мисраларининг кеча ҳам, бутун ҳам яшаб келадигани сабаби ҳам шунда.

Нима учун ана шундай элпарвар, миллат аёлларига хос энг қимматли фазилатлар — садоқат, одоб-ахлоқни ўзида мужассам этган, икки нафар ўғил фарзанд тарбиялаган, саройда, саройи ташқарисида ҳам ўнлаб таъби наъми бор хотин-қизларга ҳомийлик қилган маликанинг ҳаёти фожеали яқин топди? Албатта, тарихнинг бу аламли саволига жавоби бор. Лекин бир ҳақиқат ҳам борки, яхши ё ёмон дақиқаларда, оғир ёки енгил кунларда бир-бирини “ботирим” деб, суймаган, суймаган халқ яхшиларини бой бераверади. У Насруллоҳон қўли билан қатл этилганими ё қотил бошқа бўладими ноахил, биришмаган миллатнинг тақдир йўллари мана шундай оғир йўқотишлар аро кечади.

Қай бир ноҳақ ўлим боис умр дарёси оқибдан тўхтаган таниқил миллатдошимиз ҳақида ган кетса, “Унинг халқ, юрт учун қилган ишлари абадий яшайди”, дея ўзимизга таскин берамиз. Албатта, бу гапда ҳафалик йўқ, лекин шу халққа яна қўллаб қардош келтириши мумкин бўлган истеъдоднинг уволини ким тўлайди?!

Қошки, Нодирабегимдек сўз санъаткори, оташқалб шоира ҳақидаги қисқа фикрларимиз бундай аччиқ савол билан тугамаса эди... Лекин юрак изтиробрларимизга малҳам бўлувчи бир яхшилик бор: бу — бутунимиз.

Эзгуликлар атрофида жипслашадиган халқ бўлишга интилаётган миллатдошларимизнинг бутунчи ҳаёти, эришадиган ютуқлари, руҳиятидаги яхши ўзгаришлар бизга катта умидлар бахш этмоқда. Зотан:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт —

дея пурмаъно сатрлар билан мурожаат қилиб турган шоираи давронимиз ҳам ана шу нурлар оғушида нурланиб кўринади.

Мунаввара УСМОНОВА

Сўзлар билан сўзлашув

СОЙ ВА САЙРАМ

Икки адир ё тоғ оралигидаги сув йўлини сой дей-миз. Тилимизда “Бой бойга бокар, сув сойга оқар”, “Чой тўқилиб сой бўлмас, юлдуз йиғилиб ой бўлмас” каби мақоллар ҳам бор. Туркистонда Сайрам деган қутлуғ бир жой бор. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг онаси Қорасоч она ва отаси Ўйроқим ота шу манзилда ётиб-дилар. Хўш, сой ва Сайрам сўзларини нима боғлаб туради? “Ўзбек тилининг этимологик лугати”да сой (сай) сўзининг туб илдизи “тошлоқ текислик” маъносини англатган ва ҳозирги маъноси кейин юзга келган, деб изоҳ берилади. Махмуд Қошғарийда сай — қоратошли ер деб изоҳланган. Очиги, бу икки изоҳ ҳам мени қониқтирмади. Менинг назаримда, негадир “сой” сўзининг таркибида “сув” сўзининг қисқарган шакли бордай туюлади. Фин лингвисти Густав Рам-стед “сай” сўзини мўғул тилидаги тошли дарё, дарё ўзани маъноларини англатган “сайир - sajir” (“сайир-гал” — sajirgal) сўзлари билан боғлайди.

Энди Сайрам сўзига келсак, Махмуд Қошғарий “Сайрам сув” сўзига “тўқилган паст оқадиган сув” деб изоҳ берган. “Туркий тиллар этимологик луга-ти”га кўра, туваликлар тилида дарё ўзанида майда тош билан қопланган жойлар “сайырам” сўзи билан ифодаланган. Тилимизда фаол ишлатиладиган чуқур эмас мазмундаги “саёз” — “сайоз” сўзининг тарки-бида ҳам “сой” сўзи бор.

“БИЗ” СЎЗИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Ҳар кун, ҳар қадамда биз “биз” сўзини ишлата-миз. Тилимиздаги энг фаол сўз бу. “Биз” сўзининг пай-до бўлиши ҳақида турли фарзлар бор. “Ўзбек тилининг этимологик лугати”да қалмиги тилимизда “би” сўзи “сўзловчи” маъносини билдирган ва унга “икки” (“кўп”) маъносини ифодловчи -з қўшимчаси қўшилиб, “биз” сўзи ҳосил бўлган дейилган. Тилимизда бу усулда ясал-ган сўзлар бор. Худди “эғиз” (“икки+з”) сўзидаги каби.

Махмуд Қошғарий “биз”нинг “миз” шакли борли-гини ҳам таъкидлаган. Дарҳақиқат, “биз”нинг “миз” шакли ҳозиргача сақланиб қолган ва фаол ишлатилади. Масалан, “борамиз”, аслида “борабизга” бўлган. Худди борамен, борасендаги каби. Фақат “борамиз” феълида-ги “миз”нинг “биз” эканига эътибор қилишимиз.

Ўлжас Сулаймонов С.Е. Маловнинг фикрига асос-ланиб, “биз”нинг туб маъносини излайди ва бу сўзнинг илдизи ҳақида “би” — “мен” дегани, “си” эса, “сен” дегани, “би+и”си” қўшилишдан дастлаб “биси” сўзи пайдо бўлади ва у “биз”га айланади, деган. Туркий тил-ларда “мен”нинг “бен” шакли ҳам бор. Дарҳақиқат, мен ва сен бирлашса “биз” бўлади. Бунда мантисқ бор.

Таниқили олимимиз Қосимқон Содиков ҳам “биз” сў-зига батафсил тўхтаган ва бу сўзни “биз” — сўзловчининг қўлиши, “сиз” — тилловчининг қўлиги дея изоҳлаган. Бу ҳам эътиборга лойик талқин.

Эшқобиля ШУКУР

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда бўлиб ўтган байрам тадбирлари ва бу тадбирларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ҳамда истиқболи ҳақидаги ажойиб сўзлари, бошқа ижтимоий-гумани-тар фанлар вакиллари қатори, мени ҳам беҳад тўлқинлантириб юборди.

“ЎЗБЕК ТИЛИ” ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ЯРАТИЛСА

Ўзбек тили туркий тиллар бағрида дунёга келган даврдан шу вақтга қадар бу даражада эъзозланмаган, ўзбек тилида ижод қилган ва ўз асарлари билан ўзбек адабий тилининг шаклла-ниши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшган шоир, ёзувчи ва олимлар шаънига бу даража-да катта ҳўрмат ва эҳтиром изҳор қилинмаган эди. Шунинг учун ҳам мен бу йил бўлиб ўтган Ўзбек тили байрами ва Президентимизнинг шу байрамдаги сермазмун ва илҳом-бахш нутқини ўзбек тили тарихидаги муҳим воқеалардан бири деб атагим келади.

Президентимиз нутқида кўтарилган энг муҳим масалалардан бири она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеи-ни янада оширишдир. Нутқда белгилаб берил-ган долзарб вазифалар орасида “Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий та-ракқиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш” билан бир қаторда “ўзининг бебаҳо асарлари билан она ти-лимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир ажлдоқимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукамал энциклопедиясини яратиш” вазифасининг ҳам борлиги биз, ўзбек тилшунос ва адабиётшунос олимларини ғоятда илҳомлантириб юборди.

Бундан бир неча йил илгари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳозир Ўзбек тили, ада-биёти ва фольклори институти деб аталаётган илмий тармоғи икки жилди “Алишер Навоий” энциклопедияси устида иш бошлабгина қол-май, биринчи жилд устидаги ишни якунлаш арафасида эди. “Абдулла Қодирий” энциклопедия-си деб аталган худди шундай лойиҳа бўйича олиб борилган ишлар ҳам қиймага яқинлашган эди. Маълум сабабларга кўра, бу икки лойиҳа ўз вақтида бажарилмай қолди. Президентимиз-нинг “Алишер Навоий” энциклопедиясини яра-тиш лозимлиги ҳақидаги сўзлари якунланмай қолган икки адабий энциклопедия қаршисида ҳам яшил чироқлар ёнажагига катта умид уйғо-тади.

Шундай яшил чироқлар порлаяжак яқин истиқболда яна бир энциклопедияни яратишга зарурат бор. Бу “Ўзбек тили” энциклопедияси-дир. Ўзбек тили туркий тиллар оиласидан илк

бор ажралиб чиққан тиллардан бири. Агар яқин йиллар ичида шундай энциклопедия яратилса, ўзбек тилининг: а) туғилиш, шаклланиш ва та-ракқиёт йўлларини мўътабар манбалар асоси-да кўрсатиш; б) учта қатга лаҳжа ва бир қанча маҳаллий шева-лардан таркиб топган азамат ли-соний дарахт сифатидаги образини гавдаланти-риш; в) Олтой тиллари оиласига мансуб бўл-ганлиги сабабли, шу лисоний оиланинг туркий тиллардан ташқари, япон, қорейс, венгер каби тиллар билан муносаба-тига аниқлик киритиш; г) туркий (ўз-бек) тилидаги ёлғорликлар, илм-фан ва адабиёт асарларининг майдонга келишида Урхун-енисей (V–VIII асрлар), араб (XI асрдан 1929 йилгача), лотин (1929 — 1940-йиллар), кирилл (1940 йилдан 1993 йилгача) ёзувлари-дан фойдаланганини ўрганиш; д) шу даврлар-да яшаган Махмуд Қошғарий ва Юсуф хос Хо-жиб сингари тилшунос олим ва шоирларнинг туркий тилини ташкил этган сўз, ибора, мақол ва маталлар ҳамда халқ қўшиқларини тўплаш соҳасидаги хизматларини белгилаш; е) Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур каби шоир-лар (XX асрда эса Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир каби шоир ва ёзувчилар) ижодининг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги роли ва аҳамиятини инкишоф эттиш каби бир қатор муҳим ва мураккаб ма-салалар энциклопедияда ўз талқинини топган бўларди.

Энциклопедияда ўз аксини топадиган маса-лалардан бири ўзбек тилининг бошқа туркий тиллардан фонетик, морфологик, синтактик ва лексик ўзига хос хусусиятлари ва белгилари билан ажрალიшидир. Яна шу нарса муҳими-ки, бошқа тиллар сингари ўзбек тили ҳам ўсиш ва ривожланиш жараёнида турли омиллар таъси-рида бир қатор сўз(арханизм)лардан воз кечи-б ва бир қатор янги сўз(неологизм)лар билан бойиб-борди. Агар олдинги тарихий даврларда ўзбек тилига мўғул, араб ва форс тилларига мансуб сўз ва атамалар қўллаб кириб келган бўлса, XX асрда русча-байналмилал сўзлар ўзбек ти-лининг лугат фондида катта мавқени эгаллай-бошлади. Мустақиллик йилларида эса инглиз тилининг таъсири, айниқса, бизнес, спорт, ин-вестиция каби соҳаларда кучайиб бормоқда.

Муносабат

Китобингизни ўқидим

Бадахлоқ, бадғумону беимондин
асрағил, ё Раб,
Ул ойнинг гулшани ҳуснин ҳазондин
асрағил, ё Раб,
Гулу шамшодин осеби замондин
асрағил, ё Раб!

Камина Манзарнинг ҳазрат Навоийга бу қадар муҳаббатининг, ул зотнинг ғазалларига боғлаган муҳаммасларнинг илдизини то-пишга уриндим. Билсам, Манзар Навоий асарларининг изоҳли луга-тини тузишда фидойилик кўрсатибди, “Лисон ут-тайр” достонини насрда табдил қилибди. Шунингдек, Навоий ғазалларининг шарҳига бағишлан-ган илмий-публицистик битиклар муаллифи экан. Аёнки, Навоийдек шеърят мулкининг султони ғазал-ларига муҳаммас боғлаш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайд.

Манзар турли жанрларда турли ёшдагилар учун ашъор битишни хуш кўрди. Масалан, мана бу ўйноқи, дилбар мисралар халқ қўшиқлари янглиғ ўзига ром этади:

Асрий тоғлар қошимда,
Сулув сойлар эланар.
Хумо тожи бошимда,
Рухим нурга бошланар.
Сочим сийпапар еллар,
Алкаб аргимчоғида.
Мангу яшагинг келар,
Қирларнинг қучоғида.

Шоир рубоий жанрида ҳам қаламини синаб кўрган. Инсофу диёнатга даъват этувчи мана бу тўртлик шуурингизга чиппа ёпишиб қолади:

Демасман мен сенга тулпор отли бўл,
Асиёзда бўлгил ва ё зотли бўл.
Азиз бўлай десанг икки дунёда
Лафзи ҳалол, сўзи ширин, тотли бўл!

Алқисса, адабиётимизда ўз сози, ўз овозига эга бўлган захматқаш бир шоирнинг қалам тебратётгани қамнадек бир ҳамкасбни суюнтирди. Манзар Абдулхайрга ижодий барака ва баркамоллик тилайман.

Саъдулла СИЁЕВ

СЕҲРЛИ СЎЗ СОҲИБИ

Яқинда шоир Манзар Абдулхайрнинг “Сўз руҳи” ва “Тааммул” (“Янги аср авлоди” нашриёти) китоблари қўлимга тушди. Уларни диққат билан ўқиб қизди муассуротларимни айтгим келди.

Устоз Миртемир домла “Қаъбамсан, шеърят” деб ёзган эди. Ҳақки рост. Шоир зоти борки, дили эрқаловчи назмга, ҳароратли шеърятга талпинади, уни асрайди, қўзининг нури, дилининг сурури деб билади. Негаки, шоир учун бундан ортик маъво йўқ, саодат йўқ, тилак йўқ.

Манзарнинг ҳар икки китоби сизни суҳбатга, тахайюлга тақлиф этади. Шоир сўз ва руҳ пайвас-талигини ажиб бир йўсинда тақрор-тақрор айтиди. Унинг сўзлари мағзли, пуч — пўчқодан холи, бадиий либос ила безанган. Муҳими, улар сизнинг руҳингизни мувоzanатдан чиқаради. Манзарнинг ўзи ёзганидек, “тааммул”га чорлайди, ўйлан-тиради, ўзининг ички оламига сизни ошно қилмоқни истади.



Йиллар сурунида сўзининг асири,
Бир замон унутдим айтар сўзимни.
Унутдим ўзимни, сийдирдим созим,
Бўғдим овозимни — мўъжаз бир сасни.
Баъзан лугатларга мафтун-махлиё
Умрим лугатини тузмадим асло.
Банди хаёлларим эрки-чун гўё
Фано оламига кўз тикдим танҳо.
Тутқик бермас қушлар, йиллар чопар тез,
Ёмғирдек тўқилдим, баргдек узилдим,
Банду бандларимдан ситилдим рез-рез,
Ахйри бўрқимни тупроққа қўйдим.

Манзар ҳазрат Навоийнинг муҳиби. У даҳо шеърятининг улуғвор жилосидан ранг олишни, беназир шоирнинг руҳиятига эш бўлишни орзу қилади. Шу боисдан буюк зотнинг ғазалларига муҳаммас боғлашни орзу қилади ва бунга эришади. Мана бу сатрлари бефарқ, беҳис ўқиш мумкин эмас. Улар кўнглингизни тебратди, дилингизни равшан қилади.

Мени дилхаста зор қўнғлим гумондин
асрағил, ё Раб,
Гумон гирдобда бор бадғумондин
асрағил, ё Раб,

ЎЗБЕК ПАГАНИНИСИ



Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Рўзи Чориев (1931-2004) Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Шухрат Йўлдошев (1948-1999) портретини ишламоқда (1990 йил).

А.Кашина олган сурат.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур гижжакачи Шухрат Йўлдошевни мухлислари меҳр билан “Ўзбек Паганиниси”, деб алқашарди.

Санъаткор 1948 йили Тошкент шаҳрининг Янгиарик маҳалласида

туғилган. Гижжака созида илк бор жаҳон классик асарларини чалган созанда, туғма истеъдод соҳибиди Ш.Йўлдошевда санъатга қизиқиш болалик чоғларидан бошланган. Аввалига оиласи даврасида, кейинчалик мактаб саҳнасида баъзи куйларни гижжакада

чалиб юрган. Фарзандининг санъатга қизиқиши ортиб бораётганини кўрган ота-она уни 1959 йили Глиэр номидаги республика болалар мусика интернатига олиб келишади. Таълим давридаёқ Ш.Йўлдошев кўплаб мусикий танловларда биринчи ўринни

эгаллашга муваффақ бўлади. Созандининг санъатда юқори натижаларга эришишида устози, Ўзбекистонда гижжака мактабининг асосчиси Обид Холмухаммедовнинг хизмати катта. Айнан устознинг меҳнати, билими, шогирдлар билан ишлаш маҳорати Шухрат Йўлдошев мисолида ижобий самара берди. У мусика мактабини муваффақиятли тугаллаб, Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирди. 1971 йили халқ чолгуларининг биринчи республика кўринида қатнашиб, биринчи ўринни олиши унинг келажаги порлоқлигидан далолат берарди. Шундан кейин тўққизинчи Жаҳон ёшлар фестивалига йўлланма олди. Шухратнинг гижжагидан таралган куй европаликларни ва фестивал катнашчиларини ҳайратда қолдирди. Созанда фестивалдан лауреат бўлиб қайтди.

Шухрат Йўлдошев гижжакиннинг нозик ва мураккаб тузилишини мукамал билиши, дунёга танилган композиторларнинг машҳур асарларини кўркмасдан ижро этиши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. У дунёга машҳур Хейфец, Коган, Ойстрах, Япольский асарларини ёдан биларди. Айтишларча, Паганини саҳнага чиқишдан олдин унинг душманлари скрипкасининг торларини узиб қўйишар экан. Шунга қарамай, у битта торда ҳам асарларини қўйилмаком ижро этган. Бундай қобилият Шухрат Йўлдошевда ҳам бўлган. Шогирди ва ҳамкасби унинг Монтини “Чардаш”ни битта торда чалганига гувоҳ бўлганини таъкидла-

ган. Ижодий сафар ва фестивалларда кўпмиллатли томошабин олдида Паганини, Мендельсон, Брамс, Чайковский, Хачатурян асарларини ижро этган. А.Хачатуряннинг “Қилич билан ракс” асарини ўзгача маҳорат билан чалган. 1973 йили Воронеж шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро халқ чолгулари ижроси танловида Шухрат Йўлдошев А.Хачатуряннинг скрипка учун концертини ижро этади. Мусика тугагач, томошабинлар ўринларидан туриб давомли қарсақлар билан олқишашади. Ҳакамлар ҳайратининг раиси машҳур педагог ва композитор А.Хачатурян эди. Ижродан сўнг саҳнага чиқиб, Ш.Йўлдошевни бағрига босиб, истеъдодини эътироф этади. Бу камдан-кам ҳолларда содир бўладиган воқеа эди. А.Хачатурян қувончини ичига сиғиролмай шундай дейди: “Раҳмат, ўғлим, агар бу мусикани радиога эшитганимда, скрипкада ижро этилган деб ўйлардим. Гижжакада худди скрипкадек чалганидан жудаёқ таъсирландим”.

“Ёдимда, Италияга ижодий сафар билан борган эдик, — дея хотирлаганди Шухрат Йўлдошев. — Генуя шаҳрида “Кўнгирик”, “Кампанелла” номли куйлардан гулдаста тайёрлаб, санъат мухлисларига тақдим этдим. Италияликлар санъатини шу қадар севишларини кўриб, жуда ҳаяжонлангандим”.

Дарҳақиқат, ўзбек гижжаки довуғини жаҳонга таратишда Шухрат Йўлдошевнинг хиссаси катта. Ун биринчи Тошкент халқаро кинофестивалида ҳам Ш.Йўлдошев кадрдон

гижжагида “Муножот”дан тортиб, “Дайди”, “Сангам”, “Диско раккоси” каби хинд кинофильмлари куйларига ижро этди. Бутун жаҳон мусикасини ўз ичига қамраб олган “Дўстлик гулдастаси” кино қолдузларни ҳайратга солган.

Афсус, шафқатсиз ўлим моҳир созандани орамиздан бевакт олиб кетди. Унинг сермахол ижодини шогирдлари давом эттирмоқда. “Ижодий сафарларда жуда кўп бирга бўлганимиз, — деб эслайди Ўзбекистон давлат филармониясининг созандаси Шухрат Алимов. — Филармонияда Шухрат ака билан бирга ишлаш насиб этган. У кишининг фазилатлари бекиёс, ўз ишига фидойи эди. Дунёда иккита созанда бўлса, бири Шухрат ака, деб биламан. Гижжаги тунда ухлаганда ҳам ёнида турарди. Созини ардоқлаб, ҳеч кимга ишонмасди. Одамларга меҳри баланд эди. Халқ хизматига шай, бирор нарса таъма қилмас, беминнат хизмат қиларди. Жуда камсукум эди”.

“Шухрат ака билан тенгдошимиз, олийҳода бирга ўқиганимиз, — дейди рафикаси Латофат опа. — Дунё микёсида ном қозониш осон бўлмаган. Шухрат ака ҳар кунни тўрт соат ўз устида ишлаш, гижжакада турли мусикаларни чалиб, қайта-қайта ўрганишдан чарчамас эди”.

Ш.Йўлдошев ўзидан катта ижодий мактаб қолдирди. Унинг издошлари ҳозирги кунда дунё саҳналари сари олимлашмоқда.

Сарвара ҚОСИМОВА

РЕЖИССЁР ВА ДРАМАТУРГ
ҲАМКОРЛИГИ ЗАРУР

Режиссёрлар — ҳамкасбларим. Драматурглар — таниш-билиш, ёру дўстлар. Уларнинг фикрига қўлоқ солсангиз, ҳар икки томоннинг ҳам гапи тўғрига ўхшайди, гапларида мантикий изчиллик бордай кўринади. Лекин ҳар қанча тортишмасинлар, режиссёр драматургсиз, драматург режиссёрсиз маҳоратини намоиш этолмади. Сабаби, ҳар икки соҳа мутахассислари бир замонда, бир маконда майдонга чиққан бўлиб, қадим Афинадаги “Амфитеатр” саҳнаси уларга довлук қилган. Арасту ўзининг “Поэтика” рисоласида драматург, рассом ва режиссёрнинг вазифаларини аниқ таърифлаб берган. Чунончи: драматург воқеалар таркибини ярата билиши, режиссёр хатти-ҳаракат ҳамда сўз ёрдамида ушбу воқеаларни саҳнада жонли ижро орқали тасвирлаб бериши керак.

Биз хоҳлаймизми-йўқми, театр санъатида драматик асар (пьеса) бирламчи экан, сўзни драматургдан бошлаганимиз маъқул. Чунки спектакль тўғрисидаги яхши-ёмон гаплар, аввало, драматург ёзган асарга бориб тақалади. Файласуф Арасту драматургия жанрига таъриф бериб унинг олдида куйидаги талабларни қўйган: “Трагедия — саҳна учун ёзилган бадиий асар бўлиб, муайян ҳажми, турли қисмлари турлича сайқалланган, тил ёрдамида, баён воситасида эмас, балки хатти-ҳаракат орқали кўрсатиладиган ва инсон руҳини изтироб билан палочкин муҳим ва тугал воқеа тасвирлидир”. Шу кунга қадар драматургия жанрига ҳеч бир файласуф бундай аниқ, тўғри тавсиф беролган эмас.

Қўшимча тарзда шунини айтишимиз мумкинки, драматургия театр иморатини кўтариб турадиган устун, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлик воқеалар унинг деворларидир. Қарама-қаршилиқлар уч кўринишга эга. Яъни инсонлар билан инсонлар ўртасида, инсонлар билан жаҳият ўртасида ҳамда инсон ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилиқ. Агар драматик асарда мазкур талаблар суст ёки ишонарли кўринишга эга бўлмаса, бундай пьеса тўқис ҳисобланмайди.

Шу йил Сурхондарё театрида саҳналаштирилган “Ҳаким Термизий” спектакли мисолида фикримизни давом эттирсак (муаллифлар Убайдулла Уватов, Гис Шермухамедов, саҳналаштирувчи режиссёр Мансур Равшанов, рассом Бахтиёр Тўраев). Аввало, драматург асар сифатида пьесанинг ҳажми ниҳоятда катта бўлганини эслатиб ўтиш керак. Пьесада қаҳрамоннинг (Ат-Термизий) таржimai ҳоли, тўғрироғи, ҳаёт йўли баёнчилик асосида ёритилгани кўзга ташланади. Яъни драматик — зиддиятлик кескин тўқнашувлар кўринмайди. Назаримизда, муаллифлар ўқувчи-томошабинга Алломининг ҳаётида рўй берган айрим лавҳаларни хикоя қилиб беришни мақсад қилиб қўйган кўринади. Лекин режиссёр рассом билан ҳамкорликда тасвирий воситалар ёрдамида асарни томоша-спектакль шаклига келтиришга ҳаракат қилган. Асар матида йўқ қуролли тўқнашув ва жанг саҳналарини олиб кирган. Рассом декорацияларни ҳаракатлантирган. Макон ва замонда кечадиган бадиий тасвирлар ҳаракати ёрдамида спектакль кўримли ҳолатга келтирилган.

Ёки бошқа бир мисол. Шу йил июнь ойида Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида “Сени қўйлаймиз, Замондош” кўрик-танлови ўтказилди. Танлов натижаларига кўра Қорақалпоқ давлат академик мусикали театрининг Кенесбой Каримов қаламига мансуб “Саховат боғи” спектакли биринчи ўринга муносиб топилди. Аммо драматургия нуктаи назаридан қаралаганда бўлса, бу спектакль ҳам асосан режиссёр (Мархаббой Усенов) ва рассомнинг ижодий маҳсули дейишга асос бор. Пьеса бўйича бош қаҳрамон Алланиёз Утениязов таржimai ҳолининг саҳнавий баёнига менгаш мумкин. Чунки саҳнада жиддий тўқнашув, қарама-қаршилиқ, зиддиятлик вазиятлар сустиги кўзга ташланади.

Анджон вилоят мусикали драма театри танловда Мурод Алининг “Муножот” (режиссёр Исожон Эргашев) спектакли билан қатнашди. Саҳнада асосан қаҳрамоннинг сўзи эмас, хатти-ҳаракати устувор. Спектакль воқеалари қаҳрамоннинг саҳнага кириб келиши билан бошланади. У бемор завжасини опичлаб, ярим тунда саҳнага кириб келади ва инсон билан (касал аёл) табиат ўртасидаги мувозанатни тиклашга ҳаракат қилади. Бу ерда режиссёр билан драматург ўртасидаги ҳамкорлик натижаси ўлароқ кўримли спектакль туғилган. Лекин драматург киритган айрим кўринишлар режиссёр бадиий санимига пўтур этказган. Бунини режиссёр сезиши керак эди. Аммо унда ҳиссий ва рухий сезиларли устуворлик қилиб, пьеса аномиясига пўтур етган. Яъни замон кишилари ҳаётининг табиий оқимида қарши ўлароқ фаришталар тимсоли қиртилган. Натижада фарзандсиз оилага фарзанд ато этилади. Шу кунга қадар ҳалол меҳнатлари билан умргузаронлик қилиб келаётган жаҳият аъзолари мистик ҳодиса туфайли бирдан ўғилли бўлиб қолиши ғайритабиий ҳолдир. Иккинчи бир нотабиийлик девона тимсоли билан боғлиқ бўлиб, унинг эсдан оғиб қолиши гаплари орқалигина маълум бўлиши театр санъати тамойилларига зиддир. Арасту айтганидек, бу ерда хатти-ҳаракат ўрнига баёнчиликка ўрин берилган.

Шунга ўхшаш ҳолатларнинг аксига Ўзбек давлат драма театрининг Ш.Бошбеков томонидан ёзилган “Ер барибир айланавари” (режиссёр Олимжон Салимов) спектаклида гувоҳ бўлдик. Янги тайинланган ҳоким ўзидан олдинги, индан олиниб, қамалган ҳоким билан суҳбатла-

иш мақсадида хибсхонага келади. Махбус — собиқ ҳоким ўзи амалда бўлган вақтдаги воқеаларни гапириб эмас, кўзгудаги тасвир мисол, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати орқали бирма-бир тасвирлаб беради. Шунингдек, Сирдарё вилоят театрининг Максим Каримов асари асосидаги “Инсонликка номзод” (режиссёр Мансур Холиқов) спектакли нафақат танлов талабларига, шунингдек, драматургия талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради, дейиш мумкин. Чунки мазкур асарларда қаҳрамонлар ўз хатти-ҳаракатлари билан қарама-қарши томонларнинг зарбаларига бардош беради. Томошабин саҳнада кечаётган воқеалар кузатувчиси эмас, аксинча, иштирокчисига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Драматургия ва режиссуранинг асл мақсади ҳам ана шунда акс этади.

Ёш ижодкорларнинг “Дебют-2018” республика кўрик-фестивали кунлари 19та ёш ижодкорнинг 19та ижодий иши намоиш этилди. Спектаклларнинг ҳар бирда ютуқ ва камчиликлар бор. Шунинг учун баъзи спектакллардаги ёш режиссёрларга хос умумий камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театри актёри Йўлдош Эрматов режиссёр сифатида (ўзи бош роль ижрочиси) драматург Нафас Шодмоновнинг “Широк” спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Спектаклда режиссёр, асосан, севги-муҳаббат, жанговар тайёргарлик саҳналарига урғу берган. Асар ёзилишига сабаб бўлган воқеалар эса учинчи даражага тушиб қолган. Натижада спектакль худди соя билан жанг қилиб қаҳрамонлик кўрсатган “Дон Кихот” талқинига ўхшаб кетган. Асар мантикидан келиб чиқилмаган бўлса, томошабин айни Широкнинг душман билан ўзи олиб борган мардонавор курашини кўриши лозим эди. Асарнинг асосий мақсади ёш авлодни маънан ва жисмонан ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат эмасми?

Жиззах вилоят мусикали драма театри томонидан тақдим этилган “Чингизхоннинг оқ булутлари” спектакли Чингиз Айтматовнинг шу номли хикояси асосида режиссёр Умид Норматов томонидан саҳналаштирилган. Рассом — Санжар Холиқов. Ривоятга кўра, Чингизхоннинг ҳарбий юришларида унинг тепасида доимо оқ булутлар ҳамроҳлик қилган. Демак, асар яратилишига туртки берган омил оппоқ, мусаффо булутлар бўлган. Гўё унинг ҳар бир юришида оқ булутлар Хонга раҳнамолик қилган. Аммо икки севишганини қатлга буюрганида оқ булутлар уни тарк этган. Режиссёр Чингизхоннинг шафқатсизлиги, ваҳиёна қилмишлари ҳамда ёшларнинг мусаффо севгисини тасвирлашга ҳаракат қилган. Лекин асар ёзилишига туртки бўлган “Оқ булут” мавзуси саҳнадан ташқарида қилиб кетган. Натижада “Севги-муҳаббат фаришталар паноҳидадир. Уларга қарши борган илохий марҳаматдан бенасиб қолади”, деган ғоя шовқин-суронли

ва лирик саҳналар қўланқасида қолиб кетган. Чингизхоннинг муҳим қотиллиги сабабли фаришталар ундан юз ўтирган, деган олий мақсад саҳнавий ифодасини тополмаган. Демак, “Ғоя” ва “Олий мақсад” режиссурада ўта муҳим “Йўл кўрсаткич” бўлмоғи керак экан.

Айни шундай ҳаётини Ч.Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаятган олапар” қиссаси асосида Қорақалпоқ давлат мусикали театрида саҳналаштирилган (режиссёр Мухтор Рейимов) “Лувр ўрдаги” спектаклида ҳам кузатиш мумкин. Асарда балик овига чиққан балиқчилар орасида кичкина Кирик борлиги туфайли қатталар сув танқислигига учраган вазиятда, болакай ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур бўлган “оби раҳматни” асраш мақсадида ўз жонларини қурбон қиладилар. Бу ҳолат қиссада аниқ-тўлиқ акс эттирилган. Лекин айнан ана шу сув муаммоси, экология муаммоси режиссёр эътиборидан четда қолиб кетган. Ч.Айтматов илгари сурган табиат муҳофазаси, XXI аср экологияси муаммоси спектаклда ўз аксини тополмаган.

Мақсадимиз — театр санъати оламида дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш режиссёрларнинг шаклбозликка берилиб кетиб, моҳиятини унутмасликка даъват этиш. Яъни шакл ва мазмун ҳаминча бир-бирини тўлдиролгандагина бадиий яхлитлик вужудга келишини эслатиб ўтишдан иборат.

Афсуски, бундай камчиликлардан тажрибага эга ҳамкасбларимиз ҳам ҳоли эмаслигини кузатиш мумкин. Бунга Муқимий номидаги мусикали драма ва комедия театрида намоиш этилган “Тўмарис” спектакли (режиссёр Баходир Назаров) мисол бўла олади. Гарчи спектакль “мусикали драма жанри” деб аталса-да, спектаклда бор-йўғи иккитагина ария ижро этилди. Аслида мусикий спектаклларда ария, дуэт, хор каби унсурлар сонини ўндан ортиқ бўлиши керак эмасми? Иккинчи томондан, “Тўмарис”нинг Тўмарис билан олиб борган кураши қандай кечди ва нима билан қўнланди? деган савол томошабинини бир сония бўлсин тарк этмайди. “Тўмарис” спектаклида ана шу савол

жавобсиз қолган. Бизнинг мазкур спектаклга танқидий муносабат билдиришимиздан мақсадимиз шунки, “Тўмарис” спектаклидаги камчиликлар бошқа саҳна асарларида ҳам учраётган ва шу сабабли мисол тариқасида бу асарни келтириб ўтдик, ҳолос.

Юқоридагидек, бу шунда ўхшаш камчиликлардан ҳоли бўлишнинг бирдан-бир йўли амалий машғулотлар жараёнида уларни бартараф этишга ўрганишдир. Амалий машғулотлар эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бағрида олиб борилади. Режиссёр ҳам, драматург ҳам шу ерда бошланғич таълимни олишади. Бирок камчилик шундаки, ҳар икки мутахассислик бўйича машғулотлар бир-бирида алоҳида олиб борилади. Драматургия бўлимида назарий билим бериш аксар маъруза шаклида бўлса, драматургларда амалий машғулот ва амалий тажриба шаклида ўтади. “Нима учун ҳар икки йўналиш бўйича машғулотлар бирга олиб бориладими?”, деган савол ҳамон жавобсиз қолиб келмоқда. Тўғри, йиғилишларда бу ҳақда гапирилади ва “Албатта, шундай қилиш керак”, деган жавоб ҳам янграйди. Аммо амалда эса ўша-ўша... Режиссура бўлимида, ўқининг дастлабки кунлариданок, этюдлар устида ишланади. Этюд эса кичик спектакль. Агар драматург ва режиссёр ўқининг дастлабки кунлариданок биргаликда ижодий изланишлар устида иш олиб бора, бир-бирининг камчилигини тўлдирари, муаммоларни вазиятларни биргаликда бартараф этиш йўлини излайди. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликдаги ижодий жараён бошланади.

Мақолани ёзишдан мақсад театрлар, студиялар, ва ниҳоят, институт саҳнадан бошлаб режиссёр ва драматург ўртасидаги ижодий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масаласини кун тартибига яна бир бор олиб чиқиш эди. Шоядки, ушбу мақола туртки бериб, таълим соҳасида ўзгаришларга қўл урилса.

Жўра МАХМУД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби, профессор

ФИДОКОРЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

Ўтган ҳафта юртимиз маданияти ва санъатида унутилмас воқеа юз берди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида узоқ йиллардан буён миллий маданиятимиз ҳамда санъатимиз раванки йўлида хизмат қилиб келаётган жонқуяр ҳодимларни рағбатлантириш мақсадида “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони таъсис этилди.

Ушбу тарихий воқеа муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликда илк нишондорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев раҳбарлигида ўтган тантанали тадбирда қатнашганлар ушбу воқеани катта қувонч ва фخر билан қарши олдилар. Зеро, ушбу кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳукуматимиз томонидан соҳага қаратиладиган алоҳида эътибордан далолатдир. Мухими шундаки, ушбу муқофот таъсис этилиши билан юртимизда санъат ва маданият раванкига катта хисса қўшаётган санъаткорлар, ёш ижодкорлар ва уларнинг устозлари, фидойи кадрларни муносиб тақдирлаш тизими йўлга қўйилди.

Тантанали тадбир давомида маданият ва санъат соҳасида турли ташкилотларда, таълим муассасаларида, юртимиз театрларида самарали ишлаб келаётган олтин беш нафар фидойи инсонга илк бор янги “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони топширилди. Бу шубҳасиз, йиллар давомида маданият ва санъат соҳасида фидойилик билан меҳнат қилган инсонларга муносиб рағбатдир.

